

АБДУПАТТАЕВ Мумин Мирзо Муроджон ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси ўқитувчиси
mirzo21@umail.uz

ШАҲРИСТОНИЙНИНГ “МАФОТИХ АЛ-АСРОР” ТАФСИРИДА ДИНЛАР ТАЪЛИМОТЛАРИ ВА АҚИДАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

THE INTERPRETATION OF SHAHRASTANI'S THE “MAFATIH AL-ASRAR” ITS EXPLANATION OF RELIGIONS AND ILLUMINATION OF AKIDA

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ТАФСИРА ШАХРИСТАНИ «МАФАТИХ АЛЬ-АСРАР», В КОТОРОМ ОСВЕЩЕНЫ УЧЕНИЯ И ВЕРОВАНИЯ РЕЛИГИИ

Аннотация: Ўрта асрлар олимларидан бири бўлган Абул Фатх Шаҳристоний нафақат тарихи, калом ва фалсафа илмларида, балки, тафсир илмида ҳам ўзига хос асар ёзиб қолдирган. Олимнинг “Мафотиҳ ал-асрор” асари тафсир илмига оид беқиёс манбалардан ҳисобланади. Шундай бўлсада, асарда динишунослик, хусусан динлар таълимотларига оид қимматли маълумотлар ҳам берилган. Ушбу мақолада тафсирда зикр қилинган динлар, таълимотлар ва эътиқодлар баҳс қилинади.

Таянч сўзлар: Шаҳристоний, тафсир, Фотиҳа, Бақара, эътиқод, яҳудийлик, насронийлик, собийлик, мажусийлик, “Аҳд сандиги”.

Annotation: *Abul Fath Shahrastani, one of the scholars of the Middle Ages, wrote a unique work not only in history, kalam and philosophy, but also in the science of interpretation. The scientist's work “Mafatih al-asrar” is one of the incomparable sources of the science of interpretation. However, the work also contains valuable information about theology, especially the teachings of religions. This article discusses the religions, teachings and beliefs mentioned in the commentary.*

Key words: *Shahrastani, Tafsir, Fatiha, Baqara, Faith, Judaism, Christianity, Sabianism, Paganism, “Ark of the Covenant”.*

Аннотация: Абул Фатх Шаҳристани, один из ученых Средневековья, написал уникальный труд не только по истории, калам и философии, но и по науке толкования. Труд ученого «Мафатих аль-асрар» является одним из несравненных источников науки толкования. Однако работа также содержит ценную информацию о теологии, особенно учениях религий. В этой статье обсуждаются религии, учения и верования, упомянутые в комментарии.

Ключевые слова: Шаҳристани, тафсир, Фатиҳа, Бақара, вера, иудаизм, христианство, сабианство, язычество, «Ковчег Завета».

КИРИШ

Абул Фатх Шаҳристонийнинг Қуръон тафсирига бағишланган “Мафотиҳ ал-асрор” асарининг тўлиқ номи “Мафотиҳ ал-асрор ва масобих ал-аброр” (Сирлар калити ва яхшилар чироғи) бўлиб, тафсир илмининг “ишорий” усулида ёзилган. Бу усулда муфассир оятнинг зоҳирий маъносига қарамай, уни махфий ишораларига қараб тафсир қилади. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм “Қуръон илмлари”га, иккинчи қисм эса бевосита Фотиҳа ва Бақара сураларининг тафсирига бағишланган. Қуръон илмлари баҳс қилинган биринчи қисмда Қуръоннинг жамланиши, оятларнинг нозил бўлиш сабаблари, қироат турлари, оятларнинг маккий-маданий, ом-хос, мутлоқ-муқайяд ва муҳкам-муташобехларга бўлиниши, Қуръоннинг эъжози, сура, оятлар ва ҳарфларнинг сони, муфассирлар ва тафсирлар тўғрисида маълумотлар берилган. Асарнинг иккинчи қисми эса Фотиҳа ва Бақара суралари шарҳига бағишланган. Муфассир асарни 1143 йилда ёзишни бошлаб, 1145 йилда якунлаган. Салжукийлар давлатининг сўнги ҳукмдори Султон Санжар (118-1157) давридаги турли фирқалар билан бўлган урушлар оқибатида асар охиригача якунланмай қолган.

Асарнинг ҳозиргача аниқланган ягона қўлёзма нусхаси Эрон Ислам Республикасининг “Мажлиси шўройи миллий” кутубхонасида № 8086/В78 рақам остида сақланмоқда. Қўлёзма икки жилд, умумий 434 варақдан иборат. Ҳар бир варақ 25 сатрдан ташкил топган. Биринчи жилд 240 варақ бўлиб, муқаддима, Фотиҳа ва Бақара сурасининг 124-оятигача бўлган қисми ўз ичига олади. Иккинчи жилд Бақаранинг 124-оятидан бошланиб,

охирги оятда якунланади. Қўлёманинг унвон қисмига *“Мафотих ал-асрор ва масобиҳ ал-аброр фи тафсири-л-Қуръан”* китоби Имом ал-хужжа Тоғ ал милла ва-д-дин Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристониининг таснифидандир. Аллоҳ унинг қабрини нурларга тўлдирсин, уни жаннат боғчаларининг энг юқорисига кўтарсин. Убайдуллоҳ Восиқ ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Муъайяд Абул Мажомий Ҳамавий Жувайний ўзи учун кўчирди. Бу сатрлар 4-Шаъбон, 667 йилда якунланди” деб ёзилган.

Ушбу қўлёмма 1268 йилда хаттот Убайдуллоҳ Жувайний томонидан ёзилган. Ушбу қўлёмма асосида амалга оширилган илк таҳқиқ Абдулхусайн Ҳаирий ва Парвиз Азкойлар томонидан 1988 йилда икки жилда нашр қилинган. 1997 йилда Муҳаммад Али Озаршаб томонидан ёзилган муқаддима билан иккинчи таҳқиқ бир жилда чоп этилган. Ушбу таҳқиқ 2009 йилда, Лондон Исмоилий илмлар институти тадқиқотчиси Тоби Майер тарафидан инглиз тилига таржима қилиниб, арабий матн билан бирга нашр қилинган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Алломанинг ҳаёти ва асарлари тўғрисида маълумотлар берилган ўрта аср манбаларида *“Мафотих ал-асрор”* номининг тилга олинмаганлиги, асарнинг Шаҳристониёга тегишли эканлиги борасида баъзи шубҳаларга сабаб бўлган. М.Озаршаб асар муфасссир ҳаётининг сўнгида, узлатга кирган пайтида ёзилганлиги учун олимнинг замондошлари бундан хабарсиз қолганини таъкидлаган [1:12-15]. Аммо, олимнинг шогирди ва замондоши Заҳируддин Байҳақий (ваф. 1169) асар номини айтмасада, Шаҳристониининг тафсири борлигига ишора қилиб, *“У оятларни шариат бўйича ҳамда фалсафий тарзда тафсир қилар эди”*, деган [2:18].

Озаршабнинг тадқиқотига кўра, *“Мафотих ал-асрор”* номи тилга олинган илк манба шиа олими Муҳаммад Боқир Мажлисийнинг (ваф. 1698) *“Баҳор ал-анвор”* номли асари ҳисобланади [1:33]. Мажлисий ўз асарининг *“Зикр”* ва *“зикр аҳли”*дан мурод Аҳли байт” номли бобида, *“Билмасангиз зикр аҳлидан сўранг”* оятидаги *“зикр аҳли”*нинг кимлигини

*“Мафотих ал-асрор”*дан иқтибос олиб ёритган. Мажлисий, *“Шаҳристониий “Мафотих ал-асрор”* номли тафсирида ривоят қилади” деб, тафсирнинг муқаддима қисми ўн иккинчи бўлимида келган Жаъфар Содикнинг, *“Аллоҳга қасамки, Аллоҳ мушкулларни кўтарувчи деган, зикр аҳллари бизмиз”*, деган сўзини келтирган [3:172]. Шунингдек, Мажлисийнинг бошқа бир асари *“Миръат ал-уқул”*да ҳам худди шу ривоят такрорланган [4:428].

Лекин, турк тадқиқотчиси, доктор Мустафо Ўзтурк Муҳаммад Озаршабнинг тадқиқоти баҳс-мунозарага сабаб бўлишини айтиб, ўз фикирини шундай изоҳлаган: *“Бу маълумот бор бўлишига қарамай, аниқ хулоса чиқариш мумкин эмас. Чунки, 1153 йилда вафот этган Шаҳристониининг ушбу асари, Озаршабнинг таърифига кўра, орадан беш юз йил ўтиб шиа олими Муҳаммад Боқир Мажлисий томонидан биринчи марта тилга олингани ва шу муддат ичида бирор олимнинг бу асарга мурожаат қилмагани тушунарсиз ҳолатдир”* [5:14-15].

Ўзтуркнинг бу фикрига қўшилиш мумкин. Бироқ, асарнинг шунча давр мобайнида тилга олинмаганлигининг сабаблари ҳам бўлиши керак. Аввало, Байҳақий, номини айтмасада, Шаҳристониини оятларга тафсир ёзишини таъкидлаган. Маълумки асар тўлиқ тафсир эмас, фақат дастлабки икки сура шарҳини ўз ичига олади. Байҳақий олимнинг тафсир ёзаётганини аввалда кўрган бўлиши, у пайтда китобга ҳали ном қўйилмаган бўлиши эҳтимоли бор. Шунинг учун Байҳақий ўз китобида бу асарнинг номини келтирмагандир. Озаршаб ифода қилганидек, олим ҳаётининг охирги йилларида, ёлғиз ҳолда тафсир ёзгани, Муҳаммад Хоразмий ва Абдулкарим Самъоний каби шогирдлари унинг бу ишидан беҳабар бўлгани, кейинги тадқиқотчилар эса Шаҳристониий илмий меросини айнан шу икки киши воситасида ёритганликлари, асарнинг номи бошқа манбаларда зикр қилинмаганининг сабабларидан бири бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, *“Мафотих ал-асрор”*нинг манбаларда зикр қилинмаганининг асосий сабаби, унинг шахсий кутубхонада узок муддат сақланганидир. Тафсирнинг бугунги кунда Эронда сақланаётган ягона қўлёммасини кўчирган хаттот Убайдуллоҳ Жувайний Хуросоний (1247-1322) уни 1268 йилда,

ягона нусхада муаллифнинг қўлёзмасидан кўчирган. Жувайний эса Шаҳристоний ва Байҳақийларнинг замондоши, Нишопурнинг машҳур сўфи ва фуқаҳолар оиласи “Бани Ҳамавия”дан бўлган Имом Абул Ҳасан ибн Ҳамавийнинг (ваф. 1144) набираси ҳисобланади. Муаллифнинг қўлёзмаси бу оилада узоқ муддат қолиб кетгани сабабидан тафсирнинг номи узоқ муддат манбаларда тилга олинмаган.

Юқоридаги фикрларини умумлаштирган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкин: Шаҳристоний тафсирни шогирдларидан ёлғиз ҳолда, узлатга кириб ёзган, шогирдлари эса унинг тафсир бўйича асар таълиф этаётганини билсалар-да, уни ўз кўзлари билан кўришмаган. Муфассир вафотидан бир аср ўтиб кўчирилган ягона нусха, хаттот оиласидан бошқаларга нотаниш бўлгани учун бу тафсир узоқ йиллар мобайнида манбаларда зикр қилинмаган.

“Мафотих ал-асрор” зикр қилинган яна бир китоб, “Рух ал-маъоний” номли тафсир бўлиб, муаллифи ҳанафий, баъзи манбаларда шофий мазҳабига нисбат бериладиган муфассир Шиҳобуддин Олусий (ваф. 1854) ҳисобланади. “Рух ал-маъоний”нинг Аҳзоб сураси, 34 ва 40-оятлари шарҳ қилинган ўринларда Шаҳристоний тафсиридан фойдаланилган [6:20, 41].

Шаҳристоний оятларни шарҳлашда аввало Куръонга, кейин суннатга, сўнг саҳобалар ва тобеинларнинг сўзларига, сўнг ўзидан аввалги муфассирларнинг тафсирларига мурожаат қилган. Мусо (а.с.) ва Исо (а.с.)га қарши бўлган яҳудийлар тўғрисида нозил бўлган “Дилларимиз (Ислом учун) ёпиқ”, - дейдилар. Ўй, балки куфрлари боис уларни Аллоҳ лаънатлаган” [7:13] (Бақара, 88) оятидаги “Дилларимиз ёпилган” сўзини “Улар дедилар: “Дилларимиз сен бизларни даъват қилаётган нарсадан тўсилган, кулоқларимизда оғирлик (карлик) бордир ва сен билан ўртамизда (бир) парда бордир. Бас, сен ҳам (ўз) амалингни қилавер, бизлар ҳам, албатта, амал қилгувчидирмиз” [7:477] (Фуссилат, 5) ояти билан тафсир қилган. Бунда аввал Ато ва Даҳҳокнинг ибн Аббос (р.а.) дан қилган ривоятини келтирган, сўнг Фуссилат сурасининг 5-ояти билан шарҳлаган. Куръонни Куръон билан таъвил қилган ўринларда оятни қайси сура ёки оят билан шарҳ қилаётганини айтиб ўтмаган.

Оятларни ҳадис билан тафсир қилган Шаҳристоний, Фотиҳа сурасининг сўнги оятини Адий ибн Хотам (р.а.)нинг ривояти билан шарҳлаган: “Адий ибн Хотам Набий (с.а.в.)дан ривоят қилади: У зот: “Ғазабга қолганлар” бу яҳудийлар, “адашганлар” эса насронийлардир”, дедилар” [1:109].

Олим ўзидан аввал яшаб ўтган Ибн Касир (ваф. 922), Муҳаммад ибн Али Қаффол (ваф. 976) каби муфассирларнинг асарларидан унумли фойдаланган. Агар бирор оятга кўпчилик томонидан бир хил фикр айтилган бўлса, уларнинг исмларини кетма-кетликда келтириб ўтган. Ҳадислардан фойдаланган ўринларда “хабарда айтилади” жумласини кўп ишлатган.

Оятларнинг сабаби нузули борасида Шаҳристоний ўзига хос услубни қўллаган. Агар оятнинг бир нечта сабаби нузули бўлса, уларга “Нузул” деб ном қўйиб, саҳиҳ ривоятдан заиф ривоятгача бўлган тартибда ҳаммасини алоҳида-алоҳида баён қилган. Агар ўзи аҳамиятсиз деб билмаган бирор хабар бўлса, уни энг охирида зикр қилиб, “шунақа гаплар ҳам бор”, деган.

Олим фикрда шофий мазҳабида бўлгани билан, аҳком оятлари шарҳ қилинган ўринларда қолган мазҳабларнинг қарашларини ҳам келтирган. Бунда бир мазҳабнинг қавлини бошқа мазҳаб қавлидан устун қўйиш ҳолатлари кузатилмайди. Мана шу жиҳат ҳам олимнинг ҳар бир илмга холис ёндашганини кўрсатади. Муаллиф умумий фикрий масалалар ҳақида гапирганда “фақиҳлар айтади” деб, уларнинг исмларига ойдинлик киритмаган [1:883].

Муфассир олимларнинг исмларини “ибн Аббос айтади”, “Муқотилнинг қараши бундай”, “Ҳасаннинг бу масаладаги фикри шу” каби шаклда келтирган. Олим “Ҳасан” исмини фақат Ҳасан Басрий учун қўллаган. Агар бошқа Ҳасан исмли олимлардан иқтибос келтирса, уларни қунылари билан тилга олган [1:251].

Куръон қиссаларига оид оятларни шарҳлашдан аввал улар “Қисса” деб номлаб олинган. Бунда Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.), Мужоҳид, Ҳасан Басрий, Калбий, Муҳаммад ибн Исҳоқ ва Ибн Жарир Табарийларга кўп мурожаат қилинган [1: 295, 357, 607, 610, 613, 939, 942, 949]. Оятлар шарҳида асл ривоятлардан кейин исроилиётларни ҳам келтирган Шаҳристоний, уларни “Манокибларда келадики” деб, баён

қилган [1: 281]. Қиссаларга оид Пайғамбар (с.а.в.)дан келган хабарлар кўп бўлса, уларнинг барчасини кетма-кет зикр қилган.

Ақидага оид оятларни шарҳлашда муаллиф, уларни “Калом” деб номлаб олган ва оят тафсирига киришган. Олим яшаган даврда мўътазилийлик оқими тарафдорлари кўп бўлгани, улар ҳар бир масалага ақл билан жавоб бергани эъборидан, “Мафотих ал-асрор”да ақлий таъвиллар ҳам қўлланилган. Шунингдек, оятлар тафсирида грамматик услублардан ҳам кенг фойдаланилган. Тилшуносларнинг сўзлари келтирилганда “Маъоний аҳли айтади” ифодаси ишлатилган. “Маъоний аҳли” сифатида Ҳалил ибн Аҳмад (ваф. 791), Шибовайх (ваф. 796), Кисойй (ваф. 805), Зажжож (ваф. 948) ва Абу Исҳоқ Саълабий (ваф. 1036) каби олимлар зикр қилинган.

Шаҳристоний оятларни тафсир қилар экан, кўп ўринларда фикрларини келтирган муфассирларнинг исмини зикр қилмасдан “Қуръон аҳли айтади”, “Маъоний аҳли айтади”, “Ишорийлар айтади”, “Тасфир аҳлига кўра”, “Тилшунослар деди”, “Илм аҳли айтди”, “Таъвил аҳлига кўра” каби ифодаларни қўллайди. Шу билан бирга тафсирда саҳобалар Умар ибн Хаттоб (р.а.), Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.), Убай ибн Каъб (р.а.), Али ибн Абу Толиб (р.а.) ва Зайд ибн Собит (р.а.)лардан, тобеинлар Ҳасан Басрий ва Мужоҳиддан, кейинги уламолар Калбий, Абу Ҳанифа, Муҳаммад ибн Исҳоқ, Кисойй, Муҳаммад ибн Идрис Шофийй, Аҳмад ибн Ҳанбал, ибн Жарир Табарий, Абул Ҳасан Авсатлардан иқтибослар келтирилган.

“Мафотих ал-асрор”да динлар таълимотлари ва эътиқодларига оид қимматли маълумотлар мавжуд. Асар Фотиҳа ва Бақара суралари тафсиридан иборат бўлгани учун унда фақат яҳудийлик, насронийлик, собиййлик ва мажусийлик каби динлар ва эътиқодлар зикр қилинган. “Мафотих ал-асрор”дан аввал динлар ва фирқалар тарихига бағишланган асар таълиф этган Шаҳристоний, тафсирида динлар таълимотлари ва ақидаларини қисқа лафзлар билан баён қилган. Кўп ўринларда эса “ал-Милал ва-н-ниҳал”га мурожаат қилишни таъкидлаган.

Муфассир Бақара сурасининг 62-ояти, “Албатта, мўминлар, шунингдек, яҳудийлар, насронийлар ва собиййлардан қимки Аллоҳга

ва охират кунига имон келтирса ҳамда солиҳ амалларни қилса, уларга Раббиларидан ажр бордир, уларга хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар” [7: 10], шарҳида бу динларнинг номи қандай пайдо бўлганига эътибор қаратган.

Олим дастлаб, яҳудийлик номи тўғрисида қуйидагиларни баён қилган: “Яҳудийларнинг номи “ҳада ар-рожул” яъни “киши тавба қилди” сўзидан олинган. Баъзилар бу исм Яъқуб (а.с.)нинг катта ўғли Яҳудодан олингани айтилади. Лайс эса: “Яҳуд бу тавба деганидир. Бу “Биз Сенга тавба қилдик” оятидан олинган. Улар бунини бузқоққа ибодат қилганларидан сўнг айтишган”, дейди. Кишининг тавба қилиши ёмонликдан яхшиликка қайтишидир. Яҳудийлар Мусо (а.с.) эътиқодига қайтиб, ўз фикрларидан воз кечишгани учун шу ном билан аталишган” [1: 384-385].

Насронийлик тўғрисида эса: “Насроний сўзи “наср” яъни “ёрдам бериш” сўзининг кўплигидир Насронийлар Исо (а.с.) ва онасига ёрдам берганлари учун улар шу ном билан аталган. Бу ном аввалда Исо (а.с.) учун қўлланилган бўлса, кейинчалик унинг асҳобларига нисбатан қўлланила бошланган. Қатода ва Муқотил насроний номи хаворийларларнинг Исо (а.с.)га ёрдам берганликлари сабабидан пайдо бўлганини айтишган” [1: 385] – деган. Муаллиф бу икки динни доимо кетма-кет зикр қилган.

Шаҳристоний оятда зикр қилинган собиййлар тўғрисида яҳудийлар ва насронийлар тўғрисидаги хабарларга нисбатан кенгрок маълумот берган. “Фарро айтади: “Собийй сўзи “собаа ар-рожул” (صبا الرجل) яъни “киши диндан чиқди” деган маънони англатади. Қурайш Умар (р.а.) динни қабул қилганида “Умар мусулмон бўлди” ((أسلم عمر) демасдан, “Умар диндан чиқди” (قد صبا عمر) дейишганди. Умар (р.а.) эса: “Йўқ! Диндан чиқмадим, балки мусулмон бўлдим” деб жавоб берган эди” [1: 385].

“Ал-Милал ва-н-ниҳал” асарининг иккинчи жуз, биринчи бобида собиййлик калимаси тўғрисида шундай дейилган. “Араб тилида “собаа ар-рожул” деган жумла, “киши тўғри йўлдан адашди, нотўғри йўлга йўналди” маъносини англатади. Собиййлар тўғри йўлдан узоқлашганлари ва пайғамбарларнинг йўлидан тонганлари сабабидан шу ном билан аталган. Шунингдек, “собаа ар-рожул” калимаси “киши

ошиқ бўлди, орзу қилди” деган маънони ҳам билдиради” [8: 307-308].

Собий сўзининг маъносини келтиргандан сўнг муфассир, бу тоифанинг эътиқоди тўғрисида хабар берган: “Собийлар қандай қавм экани борасида ихтилоф мавжуд. Имом Шофий уларни насронийларнинг бир кўриниши деган бўлса, Қатода ва Мужоҳид, ибн Аббосдан ривоят қилинган хабарга таяниб, уларни Аҳли китоб эмаслигини айтганлар. Қатода уларни, фаришталарга ибодат қиладиган, Каъбага қараб намоз ўқийдиган, Забур тиловат қиладиган қавм, деган. Калбий эса, собийлар яҳудийлар ва насронийлар ўртасидаги қавм бўлиб, сочларини кириб юришини, таъкидлаган. Айримлар собийлар эътиқодини насронийларнинг динига ўхшатишган. Лекин, уларнинг насронийлардан фарқ қиладиган жиҳати улар Байтул Макдисга қараб эмас, жанубга қараб ибодат қилишади. Улар ўзларини Нух (а.с.)нинг динига нисбат беришади. Абу Ҳанифа мазҳабида уларга уйланиш, улар сўйган гўштдан истеъмол қилиш ҳаром” [1: 386].

Шахристони Бақара сурасининг 135-ояти, “(Яҳудийлар ва насроний): “Яҳудий ёки насроний бўлинг, шунда ҳидоят топасиз”, - дедилар. Сиз (эй Муҳаммад) айтинг: “Асло йўқ! Биз тўғри йўлдан тойилмаган, мушриклардан бўлмаган Иброҳим динига эргашамиз” [7: 21] шарҳида юқоридаги уч диннинг эътиқодларини баён қилган.

Олим дастлаб яҳудийлик ва насронийлик тўғрисида сўз юритар экан, уларнинг Пайғамбар (а.с.) давридаги намоёндаларининг исмини келтирган: “Ибн Аббос айтади: “Каъб ибн Ашраф, Ҳуай ибн Ахтоб ва Молик ибн Саййифлар яҳудийларнинг раисларидан эди. Саййид ва Оқиблар эса Нажрон насронийларининг еткчилари эди”. Яҳудийлар: “Бизнинг китобимиз ҳукмлар ва илмларни ўз ичига олган. Пайғамбаримиз даражада барчадан афзалдир”, дейишса, насронийлар: “Йўқ! Балки бизнинг китобимиз афзал, пайғамбаримиз мукамал”, дейишар эди” [1: 632].

Муфассир ханифликни собийлик билан қиёслаб, “Ханифлик ва собийлик бири-бирига зид бўлган икки эътиқоддир. Ҳанифлар ва собийлар Иброҳим (а.с.) замонида “аҳл ал-ҳадис” ва “аҳл ар-рай”га ўхшаган икки фирқа эди. Ҳанифлар инсонларга чиройли муносабат

қилар, келажакни шахсларда тасаввур этар, пайғамбарларга итоат қилишар, уларнинг ҳукмларига бўйсунушар, насс (хабар)ларни рай ва қиёсдан устун қўйишар эди. Собийлар эса ҳайкалларга, бутларга ва юлдузларга сиғинушарди. Рай ва қиёсни нассдан устун билишарди” [1: 633], деган. Шунингдек, таъвилнинг сўнгида собийлар тўғрисида батафсил маълумот олиш учун “ал-Милал ва-н-ниҳал”га мурожаат қилиш кераклигини таъкидлаган.

“Ал-Милал”да “Ҳанифлар ва собийлар орасидаги мунозалар” деб номланган алоҳида банд бўлиб, улар ўртасидаги барча мунозалар келтирилган. Шахристони, “Собийлар ва ханифлар ўртасида жуда кўп мунозара ва баҳслар бўлиб ўтган. Биз уларни савол-жавоб тарзида келтиришни маъқул кўрдик”, деб, мунозаларни бирма-бир келтирган. Бу мунозаралар савол-жавоб тарзида бўлиб, “модда ва жавҳар ўртасида қандай фарқ бор?”, “руҳоний” (фаришталар) ва “жисмоний” (инсонлар)нинг қайси моддадан яратилган?”, “инсоннинг шахвати ва ғзаби фариштада борми?”, “яхшилик ва ёмонликнинг бир-бирига нисбатан ўхшаш ери борми?”, “руҳоний”лар ва “жисмоний”лар бир-бири билан аралашуши мумкинми?” каби собийларнинг саволларидан ва ханифлар берган жавобларидан иборат [8: 311-355].

“Мафотиҳ ал-асрор”да яҳудийларнинг “Аҳд сандиғи” тўғрисида ҳам хабарлар берилган. Бақара сурасининг 248-оятида, “Пағамбарлари уларга айтди: “Унинг подшоҳлик белгиси шуки, сизларга бир сандиқ келади. Унда Раббингиздан таскин ва Мусо ҳамда Ҳорун оилаларидан қолдиқлар жойлашган бўлиб, уни (сандиқни) фаришталар кўтариб турадилар. Агар мўмин бўлсангиз, шубҳасиз, бунда сизлар учун белги бор” [7: 40], дейилади. Бу оят яҳудийлар душманларига қарши курашда пайғамбарларидан бир подшоҳ тайинлаб беришни сўраганликлари тўғрисида бўлиб, уларга Толут исмли деҳқон раҳбар этиб тайинланади. Унинг раҳбар бўлгани белгиси сифатида “фаришталар кўтариб келадиган сандиқ” экани оятда таъкидланган.

Шахристони дастлаб ушбу оят шарҳида сандиққа таъриф берган: “Қисса: тарихчилар айтади: “Аллоҳ таоло Одам (а.с.)га ичида

пайғамбар бўладиган авлодларининг сурати бўлган бир сандик туширди. Бу сандик Яъқуб (а.с.) даврига қадар авлоддан-авлодга ўтадиган мерос эди. То Мусо (а.с.)га етиб боргунча, сандик Яъқуб (а.с.) набиралари қўлида қолди. Мусо (а.с.) бу сандикнинг ичига Тавротни ва ўз нарсалари солиб қўйди. Мусо (а.с.)дан кейин бу сандик Исроил ўғилларидан бўлган пайғамбарларга мерос бўлиб қолди. Яҳудийлар бирор масалада тортишиб қолишса, сандикни восита қилишар ва шунга қараб ҳукм чиқаришар эди. Урашларда уни ўзлари билан олиб юришарди ва ғалаба қозонишарди. Сандикни жанг майдонида фаришталар аскарлар устидан кўтариб туришар эди” [1: 939].

Муфассир сандикнинг йўқолиши тўғрисида Ибн Жарир Табарийнинг Абдуллоҳ ибн Аббосдан қилган ривоятини келтиради: “Амоликалар¹ бу сандикни ўғирлаб кетишган эди. Улар Од қавмидан эдилар. Фаришталар келиб сандикни олдилар ва бўлажак подшоҳ Толутнинг олдига кўтариб олиб бордилар. Ҳасан айтади: “Сандик Мусо (а.с.) вафотидан кейин, фаришталар маконида эди. Сўнгра, фаришталар уни Толутга етказдилар”. Саид ибн Жубайр Қатодадан ривоят қилади: “Сандикни Юша ибн Нун² шундай жойга яширдик, бирор бир инсон уни фаришталар кўтариб келгунича қаерга яширилганини билмади”. Ваҳб, сандикнинг узунлиги уч зирога икки зиро эканини айтган. Калбий эса, уни хушбўй дарахтдан ясалганини, олтин калити борлигини билдирган бўлса, Суддий, сандик олмос ва забаржаддан ясалганини таъкидлаган” [1: 936-954].

Тавротнинг Чиқиш китоби, 25-бандида келган таърифларга кўра, Аҳд сандиғи яҳудийлар учун муқаддас ашёлардан ҳисобланиб, унинг ичида пайғамбарлар Мусо ва Ҳоруннинг кийимлари, ҳассалари ва Таврот ёзилган лавҳлар бўлган. Аҳд сандиғининг узунлиги 2.5, эни ва бўйи 1.5 тирсак яъни 111х67х67 смни ташкил этган [9: 120]. Аҳд сандиғи Қуддусдаги ибодатхонанинг муқаддас чодирда сақланган. Муқаддас чодир ва сандик бир вақтда ясалган. Сандикнинг мақсади, яҳудийларга Худо билан Синай тоғида қилинган аҳдни эслатиб туриш

бўлган. “Туноҳларни ювиш” маросимида сандик асосий атрибут вазифасини бажарган.

Аҳд сандиғининг йўқолиши Бобил ҳукмдори Навуходоносор II нинг Қуддусни босиб олиш вақтига тўғри келади. Бобил қўшинлари томонидан Қуддус вайрон этилгач, сандик яҳудийлар томонидан номаълум жойга яшириб қўйилган. Сандикнинг ғойиб бўлганини қадимги Рим тарихчиси Тацит Корнелий (50-120) ҳам ўзининг “Тарих” китобида қайд қилган. “Рим қўшини қўмондони Гней Помпей милоддан аввалги 63 йилда Қуддусни босиб олди ва яҳудийларнинг марказий ибодатхонасига кирди. Ибодатхона бўм-бўш бўлиб, у ерда на худолар тасвири, на бошқа нарсалар ва на сандик бор эди. Помпей ибодатхонадан бошқа барча биноларни бузиб ташлашга буйруқ берди” [10: 9].

Шаҳристоний, Бақара сурасининг “Шунингдек, устингизга булутларни соябон қилдик, самовий ноз-неъматлар ва (пиширилган) беданалар нозил этиб, “Сизларга ризқ сифатида берилган пок нарсаларни енглар”, (дедик)” (Бақара, 57), оятидаги яҳудийларга таом қилиб берилган “ноз-неъматлар” (арабий матнда نَمْل - “манн”) ва “бедана” (يُوسَلَا)ни мусулмонлар қўлидаги Китоб ва суннатга, “устларида соя солиб турган булут” эса, “Лаа илаҳа иллаллоҳ” калимасига ўхшайди, деб, уларни мажозан мусулмонларнинг муқаддас манбалари ва лафзларига қиёслаган [1: 383].

“Мафотих ал-асрор”да мажусийлик эътиқоди тўғрисида ҳам хабарлар бор бўлиб, муфассир бу тоифани Бақара сураси, 96-оят тафсирида тилга олган. “Уларни одамлардан ва мушриклардан ҳам ҳаётга (яшашга) хирс қўйганроқ ҳолда топасиз. Баъзилари минг йил умр кўришни хоҳлайди. Ваҳоланки, умрининг узунлиги уни азобдан узоқлаштирувчи эмас. Аллоҳ (эса) уларнинг қилмишларини кўриб турувчидир” [7: 15].

Шаҳристоний юқоридаги оят шарҳида “мушриклардан”дан мурод мажусийлар экани, улар қиёмат ва қайта тирилишни инкор этишлари, Яздон (Аурамазда) ва Ахриман номли икки илоҳга ибодат қилишлари, Наврўз ва Меҳржон номли байрам кунлари борлиги тўғрисида айтиб ўтган [1: 470]. Аллома “ал-Милал ва-н-ниҳал” асарида эса мажусийларни “Аҳли китоб бўлиш эҳтимоли борлар” деб

¹ Қадимги Мисрни босиб олган гиксос қабиласининг номи. “Чўпон подшоҳлар” маъносини англатади.

² Юша ибн Нун Мусо (а.с.)нинг хизматкор йигити. Мусо (а.с.)дан сўнг Таврот ёзилган лавҳларнинг вориси..

атаган. Уларнинг уч фирқасини келтирган ва муқаддас китоби “Занд Авесто” эканини таъкидлаган. Лекин Наврӯз ва Меҳржон кунлари тўғрисида ҳеч нарса демаган. Бундан кўринадики олим, тафсирда “ал-Милал”да бўлмаган маълумотларни беришга ҳаракат қилган.

ХУЛОСА

Динлар ва фирқалар таълимотларини ўрганишда “Мафотих ал-асрор” тафсири катта ўрин тутмасада, унда келган хабарлар “ал-Милал ва-н-нихал”да зикр қилинмаган. Мана шу жиҳат асардаги ҳар бир маълумотнинг эътиборга моликлигини кўрсатади. Олим асарда ўз услубига содиқ қолган ҳолда бирор динни тўғри ёки нотўғрига ажратмайди. Динлар тўғрисида билдирилган фикрлардан фақат ҳадис ва саҳобанинг сўзларига эргашади. Қолган фикрларни ўқувчининг ихтиёрига қолдиради. Асарнинг ўз давридаги бошқа асарлардан фарқи шундаки, олим ҳар бир оят сўнгида, “Сирлар” деб банд очган ва оятнинг сирларини ва ундан олинган фойдаларни келтирган.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати

1. Шахристони. Мафотих ал-асрор ва масобих ал-аброр. – Техрон: Марказ ал-буҳус ва-д-дироса ли-т-турос ал-маҳтут ва Мироси мактуб, 2008. – 1382 б.
2. Заҳируддин Байҳақий. Татимма сиван ал-ҳикма. – Байрут: Дор ал-фикр, 1994. – 203 б.
3. Мухаммад Боқир Мажлисӣ. Баҳор ал-анвор. – Байрут: Дор ал-фикр, 1984. – Ж. XXIII. – 398 б.
4. Мухаммад Боқир Мажлисӣ. Миръот ал-уқул фи шарҳи ахбор ол ар-Расул. – Техрон: Марказ ал-буҳус ва-д-дироса ли-т-турос ал-маҳтут ва Мироси мактуб, 1990. – Ж. II. – 561 б.
5. Öztürk, Mustafa. Mefâtiḥü'l-Esrâr Adlı Kur'ân Tefsiri Bağlamında Ebü'l-Feth eş-Şehristânî'nin Mezhebi Kimliği Üzerine Bir İnceleme // Çukurova Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi. – Adana, 2012 – № 1. – S. 1-41.
6. Шихобуддин Маҳмуд Олусий. Рух ал-маоний. – Байрут: Ихё ал-турос ал-арабий, 2005. – Ж. XXII. – 226 б.
7. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016. – 624 б.
8. Шахристони. Ал-Милал ва-н-нихал. – Байрут: Дор ал-маърифат, 2001. – 664 б.
9. Муқаддас Китоб. – Тошкент: Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016. – 1958 б.
10. Тацит Корнелий. История. – Москва: Директ-Медиа, 2008. – Книга. V. – 26 с.